Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 129 (10.378).

1992 йил 8 сентябрь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИНИМ ИСЛОМ ҚАРИМОВГА

Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги билан қутлайман.

Ўтган йилнинг унутилмас жиҳати шу бўлдики, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар, халқларимиз ўртасидаги мавжуд тарихий ва маданий алоқалар янада кўпроқ ривожланди. Шу алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Ўзбекистон Сизнинг муносиб раҳбарлигингизда, замонавий демократия принципларига асосланиб, чинакам миллий давлат барпо этишига имоним комил. Шу тарихий кунда, сиз жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДАМИРАЛ,
Туркия Бош вазири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган кунинг бир йиллиги муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан, шунингдек немис халқи номидан мамлакатингизнинг омонсон ривожланиши ва унинг фуқароларининг бахтли келажагини тилаб билдирилган энг яхши истакларни йўллайман. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилганлиги, шу туфайли Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганлиги иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш истиқболларини ҳам очади.

Рихард фон ВАЙЦЗЕККЕР,
Германия Федератив Республикасининг Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Биринчи миллий мустақиллик кунингиз муносабати билан шахсан ўз номимдан, шунингдек, Австралия ҳукумати ва халқи номидан Сизга, ҳукуматингизга ва Ўзбекистон халқига зўр мамнуният билан қутловлар йўллайман.

Иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида равнақ топиб, тобора мустаҳкамланиб бораверишига аминман.

Билл ХЭЙДЕМ,
Австралия генерал-губернатори.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ, ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунинг бир йиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва Сиз орқали ўзбек халқига қизғин байрам қутловларимизни йўллайман.

Хитой халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик томирлари қадим ўтмишга бориб тақалади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги ривожланиш босқичига кўтарилди, бу эса иккала мамлакатимиз халқларининг эзгу орзу-умидларига ва туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Халқларимиз ўртасидаги, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари кун сайин ривожланаверишига тилакдошман.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси

ЯН ШАН КУНЬ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг бир йиллиги кунида самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Эстон халқи Ўзбекистон халқи танлаб олган йўлнинг тўғрилигига ишонади, Сизнинг ёш ва мустақил давлатингиз ютуқларидан астойдил хурсанд бўлмоқда. Эстония ҳукумати ўтган бир йил халқларимиз ўртасидаги икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ажойиб дўстлик анъаналарининг мустаҳкамлиги тасдиқлаганини мамнуният билан таъкидлайди. Бу анъаналар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги шаклларида мустаҳкамланмоқда ва камолга етмоқда. Дўстлик, ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик бундан буён ҳам мустақил Эстония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Ўзбекистон Республикаси халқига чин қалбдан тинчлик ва фаровонлик, шахсан Сизга — сиҳат-саломатлик ва халқ бахт-саодати йўлидаги фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Эстония Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Арнольд РЮТЕЛЬ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 7 сентябрь куни Тошкентда журналистлар билан учрашди. Учрашувга республика оммавий ахборот воситаларининг намояндалари, шунингдек бошқа давлатлардаги нашрларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари таклиф этилди.

Республика Президенти Тожикистон Республикасидаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбариятининг фикрини баён қилиб берди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ДАВЛАТ МУЛКИ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида республиканинг мулкий ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини таъминлаш, шунингдек давлат корхоналари ва ташкилотларини бошқа хил мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушадиган маблағларни устивор умумдавлат вазифаларини ҳал этиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга сафарбар этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги ҳузурида давлат мулки жамғармаси («Ўздавжамғарма») ташкил этилиб, унга давлат бошқаруви органи ҳуқуқлари берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари ҳузурида «Ўздавжамғарма»нинг ҳудудий бўлимлари тузилсин.

3. Давлат мулки жамғармасининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

давлатнинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ҳиссадорлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг сармоясида давлатга тегишли улуш (пай, ҳиссалар)га эгалик қилиш вазифаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети унга топширган давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш;

ҳиссадорлар (пайчилар)нинг умумий йиғилишларида, жамиятлар ҳамда ширкатларнинг кенгашлари ва бошқарувларида мулк эгаси бўлмиш давлатнинг ваколатларини рўёбга чиқариш;

ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан самарали фойдаланилиши учун жавобгарлик;

давлат мулки иншоотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага олиш учун тўланадиган ҳақдан, давлат янги таъсис этиладиган ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини сотишдан олинадиган даромадлардан тушадиган маблағларни жамлаш;

давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага топшириш, жамоа ёки ижарачи сотиб олиши, уларни сотиш, ҳиссадорлик жамиятига, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш чоғида улардаги мулкнинг қийматига баҳо берувчи махсус комиссияларнинг ишида қатнашиш.

4. Давлат мулки жамғармасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлатга тегишли улушлар (пай, ҳиссалар) бўйича бошқариш ҳуқуқини давлат бошқарувининг ўзга органларига, концернлар, ассоциациялар, корпорациялар, уюшмаларга ва бошқа хўжалик ассоциацияларига бериб қўйиш;

ҳиссадорлик жамиятларини ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун давлатга тегишли ҳиссалардан олинадиган фойданинг бир қисмини шартнома асосида ана шу жамиятларга топшириш;

ҳиссадорлик жамиятларининг, бошқа хўжалик жамиятлари, ширкатларнинг ҳиссалари (пайлари)ни сотиб олиш;

ҳукуматнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига биноан давлатга тегишли ҳиссаларни сотиш, шунингдек уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид махсус жамғармаларнинг, холдинг компанияларининг ҳиссаларига алмаштириш ишларини амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни жамлаш учун махсус ҳисоб рақами очиб, уларни республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларида алоҳида модда қилиб ажратиб қўйсин ҳамда давлат манфаатлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш манфаатлари йўлида улардан самарали фойдаланишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, у ҳақдаги низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИШ ВА ТАРМОҚНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда нефть маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида объектив равишда оғир аҳвол вужудга келди. Республика ҳар йилги истеъмол қилинадиган нефтнинг 80 фоизигача қисмини МДҲ мамлакатларидан олиб келишга мажбурдир. Бу мамлакатларда нефть маҳсулотлари ҳамда бошқа энергия манбаларининг нархи муттасил кескин ошиб бормоқда.

Шундай шароитда нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини сотишда республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети тизимида илдиз отган суиистеъмолчилик, талон-тарож ва саботаж ҳолларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент шаҳридаги, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш тармоқларини бир вақтнинг ўзида текшириш нефть маҳсулотларини сақлаш ва ажратиб бериш борасида белгиланган қоидалар қўпол равишда бузилаётганини, давлатни ва фуқароларни алдаш ҳолларини аниқлади.

Республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети вилоят бўлинмалари раҳбарларининг йўл қўйиб бериши натижасида кўпгина ёнилғи қуйиш тармоқларида нефть маҳсулотларининг нархлари тўғрисида ахборот хизмати дуруст йўлга қўйилмаган, ўлчов асбоблари йўқ, техникавий ишлатиш ва хавфсизлик қоидалари қўпол суратда бузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри шунга имконият яратмоқдаки, ёнилғи қуйиш тармоқларининг айрим ходимлари қонунни поймол қилиб, шахсий бойлик орттириш ва мўмай фойда олиш мақсадида давлат мулкидан фойдаланмоқдалар.

Юқорида кўрсатилган ҳамда бошқа камчиликлар асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу соҳанинг иши таъсирчан ва қаттиқ назорат қилинмаётгани, шунингдек республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети (ўртоқ Ё. Т. Мўминов) ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбариятининг шахсан масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган. Энергия манбалари ниҳоятда тақчил бўлиб турган шароитда вилоят, шаҳар ва район ҳокимликлари бу муҳим ишдан ўзларини бутамом четга олдилар. Бу ҳокимликлар нефть маҳсулотларининг давлат заҳиралари талон-тарож қилинишидан иборат кўпдан-кўп ҳолларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун ўз вақтида чора кўрмаяптилар.

Республика халқ хўжалиги ва аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашдаги салбий ҳолатларни тартомири билан тугатиш, шунингдек бозор муносабатларни шароитида мазкур тизимни бошқаришни тубдан қайта қуриш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети тугатилсин. Унинг ҳудудий бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотлари негизида Ўзбекистон нефть маҳсулотлари давлат акционерлик (ҳиссадорлик) бирлашмаси ташкил этилиб, у «Ўзбекнефтегаз» концерни таркибига киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавнефтьмаҳсулот» бирлашмаси:

— юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган республика давлат ҳиссадорлик бирлашмаси ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган амалдаги уставга ҳамда қонунларга мувофиқ ўзини ўзи бошқариш ва тўла хўжалик ҳисоби қоидалари асосида амалга оширади;

— бирлашма таркибига кирган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради ҳамда эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Ўзбекистон давлат ҳиссадорлик бирлашмаси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

республика халқ хўжалиги ва аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашнинг бозор муносабатларини ҳамда иқтисодий бошқариш усулларини ривожлантиришга асосланган тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

«Ўзшартномасавдо» ва Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети билан биргаликда эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда барча турдаги нефть маҳсулотларининг балансларини ишлаб чиқиш ва давлат эҳтиёжлари учун уларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш топшириқларини белгилаш;

Тармоқ корхоналарини мувофиқлаштирилган ва мутаносиб тарзда жойлаштириш, нефть қувурлари, нефть базалари ва ёнилғи қуйиш станцияларининг самарали шохобчасини вужудга келтириш, республика ва ҳудудий бошқарув идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида тармоқлараро вазифаларини ҳал этиш;

тизимни ривожлантиришнинг устувор муаммоларини ҳал этишга, нефть маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва жўнатиш жараёнларида янги техника ва технологияларни қўлланишга, жумладан, идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотларда бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларини барпо этишга қаратилган илғор илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

нефть маҳсулотларининг қўшимча заҳираларини қидириб топиш, мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатлар билан нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тайёрлаш ва тузишга доир ишларни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, хорижий фирмалар иштирокида қўшимча корхоналар ташкил этиш;

тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳамда унинг комплекс дастурларини амалга ошириш, идораларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат идоралари ва бошқа идораларда уларнинг манфаатларини ифодалаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавнефтьмаҳсулот» бирлашмаси республика халқ хўжалиги ва аҳолиси нефть ҳамда нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминланиши учун жавобгар бўлади;

«Ўздавнефтьмаҳсулот» бирлашмасининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадилар;

бирлашманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бўлинмалари раҳбарлари «Ўздавнефтьмаҳсулот» бирлашмаси номенклатурасида бўладилар ҳамда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг тавсиясига кўра унинг ҳайъат органи томонидан тасдиқланадилар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида ушбу фармон рўёбга чиқарилишини таъминловчи қарор қабул қилсин, «Ўздавнефтьмаҳсулот» тузилмасини ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 сентябрь.

БМТ Бош котиби Бутрос Гали жанобларига

Жаноби олийлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Сизнинг раҳбарлигингиз остида халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш борасида қилаётган жуда кўп ишлар учун самимий эҳтиром ва миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат этишга мушаррафман.

Шу муносабат билан дунёнинг аҳоли энг зич яшайдиган минтақаларидан бири — Ўрта Осиёда гоят кескинлашган вазиятга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Жаҳон маърифатининг шу қадимий воҳасида яшовчи халқлар бой тарихга эга эканликлари Сизга яхши маълум. Уларнинг маънавий томирлари, маданий анъаналари ва урф-одатлари азалдан бир-бирига чирмашиб кетган, уларнинг инсоний алоқалари ва тақдирлари, диний қадриятлари ва миллий ютуқлари муштаракдир.

Энг муҳими — асрлар давомида Ўрта Осиёда одамлар ва халқларнинг борлиқ тарихий ўтмиши чамбарчас боғланиб, қондош-жондош бирликка айланган, улар ўртасида сунъий равишда қўйилаётган айирмачилик тўсиқларини одамлар ва халқлар руҳий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам мақбул кўрмайдилар.

Шуни назарда тутиш керакки, бу ердаги одамлар ва халқларнинг катта гуруҳлари ўзаро муносабатларидаги ҳар қандай қарама-қаршилик, тўқнашув ва зиддиятлар қайси жойда содир бўлмасин, бутун минтақа учун бениҳоя ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган.

Қардош Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни ўлкамизнинг 50 миллион аҳолиси мана, ярим йилдан буён катта фалокатни сезгандек, ташвишланиб, изтироб билан кузатиб турибди. Тожикистонда жанглар тўхтамаяпти, доимо ўқ овозлари эшитилаяпти. Турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ҳамда қарама-қаршилик кун сайин кучаймоқда. Бегуноҳ гўдаклар, аёллар, қариялар, оддий фуқаролар тобора кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмоқда. Қаттиқ биродаркушлик тўқнашувлари давом этаётган туманлардаги турли миллатларга мансуб қочоқлар кўпаймоқда. Улар бошқа мамлакатлардан паноҳ излашга мажбур бўлмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Тожикистонда расмий давлат идоралари ҳокимиятдан маҳрум этилган, Конституциявий тузум, демократик ислоҳотлар имконияти хавф остида қолди. Бу ердаги фуқаролар ва миллатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши, тартибсизлик ва бошбошдоқлик бутун минтақага ёйилиш хавфи пайдо бўлди.

Қўшни давлатларнинг бевосита иштироки ва кўмаги билан Тожикистонга замонавий қурол-яроғ ҳамда ўқдори, юборилиб турилганлиги эса, Ўрта Осиёдаги барча халқларни тобора ташвишга солмоқда.

Тожикистон халқининг ўз ички ишларини ўз хоҳишича ҳал этиш ва ўз тақдирини белгилашдан иборат суверен ҳуқуқи табиий ва даҳлсиздир. Бироқ қардош республиканинг мардона, меҳнатсевар, ва, афсуски жафокаш халқи ўз даҳлсиз ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун қулай ташқи шароит яратилиши керак. Аввало минтақага жанговар қурол келтиришни тўхтатиш лозим.

Мана шундай шароитда Ўрта Осиё давлатларининг ҳозирги мавжуд чегаралари ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нарса равшан бўлмоғи керак — Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан белгиланган чегаралари айни вақтда Ўрта Осиё давлатларининг ҳам даҳлсиз чегараларидир. Бу чегараларни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар мазкур ўлкада яшовчи барча халқларнинг сиёсий манфаатларига, миллий хавфсизлигига ва ҳудудий яхлитлигига солинган ялпи даҳшатли бўлади ва БМТ низомида ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи ҳужжатида ёзиб қўйилган қоидаларга зиддир.

Тожикистон халқлари бутун Ўрта Осиёдаги ўз оғаиниларидир, қон-қардош халқлар билан сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан, иқтисодий миллий насл-насаб жиҳатидан ҳам мингларча ришталар билан чамбарчас, абадул-абад боғлиқдирлар.

Минг афсус билан шуни қайд этамизки, минтақамизда миллий адоват, сиёсий ва фуқаролар қарама-қаршилиги уруғини сочиб, жанжал чиқаришни истайдиган ташқи кучлар бор. Жаноби олийларн, БМТ, унинг Хавфсизлик Кенгаши ўз аъзоларининг, жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Тожикистон ички ишларига аралашишга йўл қўймасликка қаратади, деб умид қилишга рухсат этгайсиз. Барча можаролар ва муаммоларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш лозим. Ўрта Осиё жаҳон харитасидаги яна бир кескинлик чиққан жой бўлмаслиги керак, одамларни қурбон қилувчи навбатдаги бемаъни аланга ловуллаб ёнмаслиги лозим, бошқа давлатларнинг жўғрофий-сиёсий найранглари макони бўлмаслиги керак.

Бош котиб жаноблари, мазкур минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мўътабар ташкилотингиз номидан ҳаққиқий аҳволни ўрганиш ҳамда зарур чораларни кўриш мақсадида дарҳол БМТнинг махсус комиссиясини юборишингизни Сиздан ўтиниб сўраймиз.

Халқаро ҳамжамият ўз вақтида кўрсатадиган таъсирчан ёрдам ёш мустақил давлатларимизда бошланган демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлайдиган муҳим омил бўлур эди.

Яна бир бор эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Камоли ҳурмат билан
Ўзбекистон Республикасининг Президенти

ИСЛОМ КАРИМОВ

1992 йил 7 сентябрь,
Тошкент шаҳри.

ИСЛОМ КАРИМОВ:

ҚОНУН УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

5 сентябрь куни Президент девонида Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Республика Олий Кенгаши комитетларининг раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартибот органларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида» деган масала муҳокама этилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг бошлиғи, Республика Конституцион назорат комитетининг раиси Ш. Ўразаевнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг ўтган йил апрелидаги биринчи мажлисида ўлкада конституциявий ислоҳот зарурлиги айтилган эди. Конституция комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарган ана шу мажлисда Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Бунинг учун ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилган эди.

Мажлисда бу муҳим сиёсий ҳужжатни тайёрлашга Президентимиз И. А. Каримов катта эътибор бераётгани, бошқаришнинг президентлик шакли асосий қонунда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Халилов, Ўзбекистон Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори А. Саидов ва бошқалар Конституция лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда И. А. Каримов сўзга чиқиб, янги Конституциянинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Конституция,— деди у,— биринчидан, давлатни бошқариш учун керак. Иккинчидан эса, Конституция халқни тартиб-интизом асосида фаровонликка олиб чиқишга, ўлкада тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Биз қуражак халқчил ҳуқуқий давлатда қонун ҳамиша устувор бўлади.

Лойиҳани тайёрлашда чет эллардаги конституциявий қурилиш тажрибаси, айниқса тарихи, турмуш тарзи, миллий-маиший ва маданий хусусиятларига кўра Ўзбекистонга яқин мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинди. АҚШ, Франция, Италия, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Туркия, Португалия, Швеция, Греция, Мадагаскар, Покистон каби давлатларнинг конституциялари, Инсон ҳуқуқлари ялпи декларацияси ҳамда бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар батафсил ўрганилди.

Мажлисда Ш. Ўразаев бошчилигида Ўзбекистон Республикаси янги конституцияси лойиҳасини узил-кесил пухта ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи тузилиб, билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани 15 кун муддатда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиш топширилди.

Ўзбекистон Президенти мажлис қатнашчиларини Тожикистонда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилди. Минтақада сиёсий вазият кундан-кун кескин тус олмоқда, кўп одамларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Тўртдан бир қисмидан кўпроғи ўзбеклардан иборат қўшни жумҳурият халқининг тақдири бизни бефарқ қолдиролмайди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг республикамизда осойишталикни сақлаш, минтақада хавф-хатар ўчоқларига тезроқ барҳам бериш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қизғин маъқулладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

• ХОРИЖ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ҚЎШМА КОРХОНА ИСТИҚБОЛИ

Республикамиз Мустақилликка эришганидан кейин ўтган бир йил давомида халқимиз оғир қийинчиликларни бошидан кечирди. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетганлиги иқтисодий алоқаларни тубдан ўзгартириб юборди. Шундай бўлса-да, изланишлар ўз самарасини берди. Ўзбекистон республикасини дунёдаги кўплаб мамлакатлар мустақил давлат сифатида тан олди.

Айниқса, қисқа давр ичида кўплаб хорижий мамлакатлар биз билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Бу соҳада дастлабки қадамлар ташланди. Республикамизнинг вилоят ва районларида қўшма корхоналар, фирмалар вужудга кела бошлади. Жумладан, Тошкент вилоятининг корхона ва ташкилотлари ҳам биринчилардан бўлиб хорижий фирмалар билан ўзаро шартномалар тузишга киришдилар.

Айни пайтда вилоятимизда ўндан зиёд қўшма корхоналар ишлаб турибди. Олмалиқ шаҳридаги кийим-кечаклар тикишга мўлжалланган «Дружба» Ўзбек-Хитой-Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Илгариги «Прогресс» ширкати ўрнида ташкил топган қўшма корхона республикамиз мустақилликка эришган кунларда ўзининг маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Хитойлик биродарларимиз олмалиқлик ишбилармон Алексей Николаевич Цайнинг ҳатти-ҳаракатларига қизиқиб қолишди. Унинг ўзи билан суҳбатлашгач, қўшма корхона тузиш тўғрисида келишиб олдилар. Шундан сўнг, Тошкент вилоят ҳокимлигида учрашиб Олмалиқда Совет-Хитой қўшма корхонасининг битимини имзоладилар. Хитойдаги «Мунтцзянь» электрон саноати моллари ишлаб чиқарувчи корхонанинг Москва шаҳридаги вакиллари бу ерга келишиб, аҳоли учун зарур бўлган халқ истеъмоли маҳсулотларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳақида ўзбекистонлик ишбилармонлар билан шартнома тузишди.

Уддабурон Алексей Николаевич ишни аввало шаҳардаги «ўтириб» қолган «Юность» маиший хизмат кўрсатиш биносини 1991 йили кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олди. Хитойлик делегация вакилларига ҳам бу ер маъқул бўлди. Шундан сўнг мавжуд цехлар асбоб-ускуналар билан таъминланди. Фирма вакиллари Москва орқали валютага чет эл технологиясини сотиб олиб келдилар. Ўтган 7 ой ичида қўшма корхона 15 миллион 435 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ҳозирда корхона бартер асосида иш олиб боряпти.

— Чунки бунинг ўзига яраша сабаблари бор,— дейди корхона бош директори А. Н. Цай. Тайёр маҳсулотларимизни сотишимиз ҳам мумкин. Унда хом ашёни нимани ҳисобига оламиз. Агар биз ўз маҳсулотларимизни таклиф қилсак, ўйлайманки, хом ашё билан шуғулланувчи корхоналар бажонидил рози бўлишади. Масалан, шундай усуллар билан трикотаж материаллари, турли хил иплар, тикув машиналарининг эҳтиёт қисмларини оляпмиз. Корхонада 3 та цех фаолият кўрсатяпти. Уларда 150 га яқин тикувчи аёллар меҳнат қилишяпти. Ушбу цехларда ҳар бир тикувчи хусусий иш олиб боради. Бу ерда ишлаётганларнинг иш тажрибаси бошқалардан кам эмас. Энг кам ишлаганига 10 йил бўлди. Масалан, тикувчи Нина Белоусова мана шу бинода ишлаётганига 28 йил бўлди. Яхшиси, бу ҳақда тикувчиларнинг ўзидан сўраганингиз маъқул.

Ҳа, директорнинг гапида жон бор. Цехларни айланганимизда бунга амин бўлдик. Айниқса, аёлларнинг плашь, пальто, қишки кийимларини тикишга мўлжалланган цех бригадири Н. С. Ким бу ҳақда тикувчи Татьяна Ивановна Гунко билан суҳбатлашишимни таклиф қилди.

— Бу ерда анчадан бери ишлайман,— дейди Татьяна Ивановна,— илгари 100 сўм маош учун тинмай меҳнат қилардик, лекин тўғриси косамиз оқармаган. Ҳозир ойига 3—3,5 мингдан иш ҳақи оляпмиз. Бунинг устига корхона йўл ҳақи ва озиқ-овқат учун 300 сўмдан пул ажратяпти. Яна йилнинг ҳар чорагида 600 сўмдан мукофот пули оляпмиз. Мана, қўшни корхоналарнинг қандай аҳволга тушганини кўриб турибмиз. Бизникига ўхшаш ателъеларда тикувчилар ишсиз ўтиришибди. Ахир, у ерда ҳам ўз ишининг устаси бўлган, қўли гул тикувчилар бор. Менимча, бизнинг янги корхонамиз ҳозирги даврда ўз ўрнини топиб олди. Режаларимизни ҳам ортиғи билан бажаряпмиз. Техника ускуналарининг кўпи совет давлатиники бўлсада, мана қаранг қандай бежирим плашчлар тикяпмиз. Ҳозир бизнинг маҳсулотимизга эҳтиёж катта. Ахир ўзингиз ўйланг, битта плашчнинг баҳоси 3 минг 800 — 4 минг сўмга тушяпти.

Ҳақиқатан ҳам цехларнинг қайси бирида бўлмайлик, ҳамма ўз ишидан мамнун эканлигини айтди. Шоҳида Анорқулова аҳолига хизмат кўрсатиш цехида кўп йиллардан бери ишлар экан.— Кунига 4—5 та буюртма тушади,— дейди у.— Нархи ҳам шунга яраша. Фасонига қараб 100 сўмдан 350 сўмгача ҳақ оламиз.

Корхонада Президент фармонлари ҳам бекаму кўст бажарилянти. Бу йилги Наврўз байрамини корхонанинг байналмилал жамоаси биргаликда кутиб олди. Ўзбекистон Мустақиллиги байрами муносабати билан ҳам ишчи ва хизматчиларга маълум миқдорда пул мукофотлари берилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Корхонанинг ярим йиллик соф фойдаси 1 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Энди қўшма корхона аъзолари ўзаро бир-бирларининг юртларида ўзларининг ваколатхоналарини очмоқчилар.

Хуллас, 1993 йилдан корхона барқарор иш юритиши кўзланган. Унинг фаолияти бутун Тошкент вилоятини қамраб олиши табиий. Ҳозирда Олмалиқ мол хом ашё биржасида унинг маҳсулотларига харидорлар кўп. Кейинчалик корхонанинг истиқболли режасида шу ернинг ўзида совутгичлар, дазмоллар, магнитофонлар ишлаб чиқариш ва қандолатчилик цехларини очиш кўзда тутилган. Унинг фирмали дўкони мунтазам ишлаб турибди. Кейинчалик Тошкентда ана шундай дўкон очиш истаги бор. Ҳадемай, корхона 50 миллион сўмлик маҳсулотлар сотади. Шундан 20 миллион сўми ҳамкорлик қилаётган хитойлик ва Жанубий қориялик ишбилармонларимизнинг обороти учун ишлатилади. Қилинаётган ишларнинг барчаси озод Ўзбекистонимизнинг ривожланишига хизмат қилади. Корхона жамоаси ана шундай фикрда.

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Таҳририятга келган хат ва жавоблардан

ТАДБИРЛАР РЕЖАЛАШ ТИРИЛДИ

Бўстонлиқ районининг Нанай қишлоғидаги 49-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шаҳло Мираҳмедовадан мактуб олгандик. Муаллиф ўз хатида мактабда асосан ўқишлар тожик тилида олиб борилаётганлигини, ўзбек тилида ўқиш имконияти йўқлигини баён қилганди.

Ушбу мактубни Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасига текшириш учун юборгандик. У ердан олинган жавоб хатида ушбу масала юзасидан мактабда йиғилиш ўтказилганлиги ва Ўзбекистонда яшаб турган ҳар бир миллат вакили ўзбек тилини баҳолиқудрат билмоғи даркор эканлигини йиғилган ўқитувчи ва ўқувчиларга уқтириб ўтилганлиги айтилган.

Шу билан бирга мажлисда 1992—1993 ўқув йилининг сентябрь ойидан бошлаб факультатив соатлар ҳисобидан юқори синфларда ўзбек тилидан дарс ўтиш режалаштирилган.

●

ЭЪТИРОЗ ТЎҒРИ, МАСАЛА ҲАЛ БЎЛДИ

Муҳарририятимизга Тошкент шаҳридаги Аносов кўчасининг 79-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Карима Бадилова шикоят хати йўллаб, ўзининг қариб қолганлиги ҳамда оилавий ночорлигини баён қилиб, телефон алоқаси яхши ишламаётганлиги ва бу борада ёрдам беришимизни сўраганди.

Биз ушбу шикоятни Тошкент шаҳар телефон алоқаси ишлаб чиқариш бирлашмасига йўллагандик. Мазкур идоранинг бош муҳандиси Н. В. Чернов имзоси билан олинган жавоб хатида маълум қилинишича, 42-70-13 рақамли телефоннинг ишламай қолганига сабаб, мазкур алоқа тармоғида шикастланган кабелни тиклаш ишлари олиб борилаётган экан. Тез орада алоқа тикланади.

Телефон ишламаган кунлари учун тўлов ҳақи ҳисобкитоб қилинади.

МЕҲМОНХОНА— ШИФОХОНА

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг эски идораси таъмирдан чиқарилиб, кундузги стационар ташкил этилди. Қишлоқ аҳли, айниқса, ёш болали аёллар даволанишлари учун бундай кундузги стационарлар жуда қулайдир. Чунки улар кун бўйи бу даво масканида барча зарур муолажаларни олиб, 4 маҳал овқатланиб, кечқурунлари ўз оилалари, фарзандлари даврасида бўлишлари мумкин.

«Гулистон» жамоа хўжалигининг Жумабозор қишлоғида ҳам яқинда ташкил этилган ана шундай кундузги стационар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Болта участкасидаги қишлоқ врачлик амбулаторияси беморлар дардига шифо бўлмоқда. Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг 4-даҳаси марказдан анча узоқда жойлашган бўлиб, бу ердаги аҳоли тиббий хизмат соҳасида қийналардилар. Шунинг учун ҳам бу даҳада амбулатория очилиб, уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги байрами арафасида «Гулистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ажойиб совға олдилар. Бу ердаги икки қаватли меҳмонхона биноси бутунлай қайта таъмирланиб, кундузги стационарга айлантирилди. 25 ўринли бу даво масканида беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган стационар хизматидан айниқса болали аёллар миннатдор бўлмоқдалар.

— Районимиз Ҳокими бундай хайрли ишларга бошқош,— дейди район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Нодир Утегенов,— Яқинда «Дўстлик» жамоа хўжалигининг марказий касалхонаси ёнидан шифобахш сув чиққан эди. Айни кунларда биз шу ерда 60 ўринли физиотерапия усулида даволовчи бўлим ташкил этиш ниятидамиз. Бу борада барча зарур ёрдам кўрсатилмоқда.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

ЖИДДИЙ ЧОРА КЎРИЛДИ

Рўзномамизнинг шу йил 4 август сонида «Дилозор паттачи» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Паркент шаҳрида истиқомат қилувчи Уктам Аҳмаджоновга Тошкент шаҳридаги трактор корхонаси бозорининг паттачиси Салоҳиддин Эгамбердиевнинг қўпол муомала қилганлиги ва ундан ортиқча ҳақ олганлиги баён қилинганди.

Биз ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари бошқармасининг ташкилий ишлар бўлими бошлиғи А. Омонов имзоси билан жавоб олдик. Унда айтилишича, мақолада баён қилинган шикоят бошқарма бошқарув ҳайъати ходимлари ва бозор директорлари иштирокидаги мажлисда кўриб чиқилган. Мажлисга юқоридаги мақолада танқид қилинган С. Муртазоев ҳам таклиф этилган. (Паттачининг ҳақиқий фамилияси Эгамбердиев эмас, балки Муртазоев экан). Унда паттачининг ножўя ҳатти-ҳаракатлари қаттиқ танқид қилинди. Шу билан бирга унинг узоқ муддат ушбу бозорда ишлаётганлиги, йўл қўйган хатолари ва айбларини тан олиб бундай қўполликларга бошқа йўл қўймаслик ҳақидаги ваъдаларни инобатга олиб бошқарма буйруғига биноан С. Муртазоевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Мабодо, шундай ҳол яна бир бор такрорланса, унга нисбатан янада қаттиқроқ чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилган.

ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНМАДИ

Бўстонлиқ район, Ғазалкент қишлоғининг С. Айний кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи, Улуғ Ватан урушининг ногирони Мирза Бекмуротов бизга шикоят йўллаб, ўғли Дилшод Бекмуротовнинг ноҳақ қамалиб қолганлигини баён қилганди.

Биз ушбу шикоятни Тошкент вилоят судига юборгандик. У ердан Тошкент вилоят судининг раиси А. И. Липатов имзоси билан олинган жавобда айтилишича фуқаро Мирза Бекмуротовнинг шикоят хатининг мазмуни вилоят прокуратураси ходимлари ҳамда дастлабки тергов органлари ходимларининг фаолиятига тааллуқли бўлгани учун Тошкент вилоят прокурори А. М. Маннонова юборилган.

Тошкент вилоят прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг муовини, адлия кичик маслаҳатчиси П. Назаровнинг муҳарририятимизга йўллаган жавобида айтилишича фуқаро М. Бекмуротовнинг «Тошкент ҳақиқати» газетасига юборган шикоят хати тегишли материалларни ўрганиб чиқиш йўли билан текширилди.

Ушбу жиноят иши судланувчи ва уларнинг ҳимоячиларининг аризаларига асосан 18.06.92 йилда Тошкент вилоят судининг жиноят ишлар бўйича судлов коллегиясида шикоят тартибида кўрилиб, Бўстонлиқ район халқ судининг ҳукми ўз кучида ўзгаришсиз ҳамда судланувчи ва ҳимоячиларнинг шикоятлари оқибатсиз қолдирилган.

Фуқаро М. Бекмуротов ўз шикоятида келтирган важлари тасдиқланмади.

• Депутат ва ҳаёт

«КЎП ГАПДАН ОЗ ИШ ЯХШИ»

ДЕЙДИ, ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ
Маҳамаджон ХУДОЁРОВ.

Қабулхона гавжум. Кимдир ўз ташкилотига ёғ, совун, бошқа биров чорва моллари учун ем олиш мақсадида келган бу ерга. Бошлиқ иложи борича ҳар бир кишининг ишини битиришга ҳаракат қилади. Мулойимлик ва босиқлик билан ҳужжатларга имзо чекади. Ёрдамчиларига эса янги келтирилган юкларни туширишва бўш транспорт воситаларига корхона маҳсулотларини ортиш бўйича кўрсатма беради. Бунинг орасида ҳайдовчилар ҳам келишиб, турли масалаларни ҳал қилишда ёрдам беришни сўрайдилар.

Янгийўл ёғ-мой комбинати директори, Ўзбекистон халқ депутати Маҳамаджон Худоёровнинг ҳар бир куни ана шундай тиғиз ўтади. Депутат фаолиятида улар изсиз қолмайди. Ўзига талабчан бўлган бу киши кўп юмушларни бажаришга вақти етмаётганлигидан нолийди, холос.

Муҳтожларга ёрдам бериб, кўнглини кўтаришга не етсин: Депутат айниқса ногиронлар, кексалар, ёлғиз оналарнинг иштирокини қондиришга кўпроқ ҳаракат қилади, зероки ҳозирги шароитда бундай тонфадаги одамларга ҳаёт кечириш анча мушкул.

— Мустақиллик бизга жуда катта имкониятлар яратди,— дейди раҳбар. Корхонамиз бошқа корхоналар, ташкилотлар билан шартномалар тузиб, мол айирбошлаш йўли билан меҳнаткашлар эҳтиёжини қондиришга интилянмиз. Бу эҳтиёж эса аҳоли манфаатига қаратилгандир.

Аммо ҳамма вақт ҳам депутат силлиқ фаолият кўрсатаверади, дейиш ўринли бўлмас эди. Шундай кунлар ҳам бўладики, у маҳалла фаоллари ёки маҳалла қўмитаси раисларининг баъзи илтимосларини бажаролмаганлигидан ҳижолат тортади. М. Худоёровга кўпинча чорва моллар учун маҳаллаларга шелуха етказиб бериш борасида илтимослар тушади. У ўз корхонаси имкониятидан келиб чиқиб бу ишни бажаради. Яқинда депутатга маҳаллаларда тўй ва бошқа йиғинлар кўплиги, одамлар гуруч таъминотидан қийналиб қолганликларини билдиришди. Маҳамаджон ака буни инобатга олиб, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотни айирбошлаш эвазига ана шу наказларни бажарди. 60 тонна гуруч корхона ишчи-хизматчиларига, маҳаллалардаги оилаларга сотилди.

Кейинги ойларда «Заречная» маҳалласидан тушган наказ ҳам бажарила бошланди. Хонадонлар табиий газ билан таъминланаётир. М. Худоёров шаҳар газлаштириш идорасидаги мутасаддиларга ўртоқлар билан гаплашиб, муаммони ҳал этди. Бугунгача маҳаллада 5,5 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди.

Мулоқот чоғида мен ундан сўнгги режалари ҳақида сўрадим.

— Иложим борича сайловчиларимга хизмат қиламан,— деди у. Лекин қуруқ ваъда беришни мутлақо ёқтирмайман. Аслида қуруқ гапдан кўра эл-нинг бир кичик муаммосини ҳал қилган афзал.

А. РИХСИБОЕВ,
Янгийўл шаҳри.



● ЯКОВ Борисович Бромберг Тошкентдаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиларидан ҳисобланади. У смена топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқда. Суратда: илғор пойабзалчи Я. Бромберг иш устида.

В. ХАРИТОНОВ олган сурат.

Бўкадан хушхабар

БЎКА районида меҳнаткашлари республикамиз Мустақиллигининг 1 йиллиги арафасида карам етиштириш йиллик режасини 200 фоиздан ошириб адо этгандилар. Бугунги кунда ҳам сабзавотчилар иш суръатларини бирдам бўшаштирганлари йўқ.

Улар далалардан режадаги минг тонна ўрнига 2 минг 481 тоннадан ошириб карам йиғиштириб олдилар. Режа 250 фоиздан ошиб кетди. Карамдан тозаланган майдонлар ҳайдалиб, ўғитланиб, текисланиб кузги экинларга тайёрлаб қўйилди. Ҳозирги пайтда кўплаб сабзи, ошлавлаги, картошка топширилаётир.

Шунингдек, бўкаликлар вилоятнинг мева-чева хирмонига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Боғбонларнинг фидокорона меҳнати билан шу кунгача боғлардан 700 тониага етказиб ҳосил йиғиб олинди. Бу эса режанинг 80 фоиздан ортиғи демакдир.

● ҚУЙИЧИРЧИҚ районидаги маҳаллий саноат корхонасида ҳар куни ўнларча минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Гилам, тўқув буюмлари, кийим-кечачлар, атлас, қандолатчилик маҳсулотлари, қатор бинокорлик материаллари тайёрланиб буюртмачиларга юборилмоқда. Ушбу суратда атлас тўқувчи Соҳиба Ҳалиловани кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЛУҚМА

МАСЪУЛИЯТ ЁДДАН ЧИҚМАСИН

ПАРКЕНТ шаҳрида яккаю ягона болалар шифохонаси мавжуд. Бу ердаги ҳамширалар врачларнинг ҳаммаси санъат ихлосмандларидир. Улар шу йил бошидан буён ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг биронта сериясини ҳам қолдирмасдан томоша қилиб боришаётир. Бунинг устига шифохонадаги ҳар бир ходим фильм борасида ўз фикрига эга. Шунинг учун ҳам мунозаралар, тортишувлар узоқ давом этади. Ҳаттоки, бунга беморлар ҳам жалб этилади. Баҳс қизигандан қизийди.

Натижада эрталаб нажот истаб келувчи «оғина» тоби қочганлар билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади.

Паркент шаҳар болалар касалликлари шифохонасида ана шундай аҳвол. Айтингайтинг бошқа шифохоналарда, боғчаларда ҳам бойларнинг йиғлаши билан овора бўлиб болаларнинг йиғиси эсдан чиқиб қолаётган бўлмасин тағин?.

Зилола МИРОВИДОВА.

• ЧОШТЕПА ЛАВҲАЛАРИ •

ЭЛ УНГА ИШОНАДИ

Янги ташкил этилган қишлоқ Кенгашига Чоштепа деб ном берилди. Бу бежиз эмас. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, турли геологик қидирув гуруҳлари томонидан йиллар давомида «чўқиланиб» ҳозир «муштдек»кина бўлиб қолган бу тепаликнинг таърифи Тошкентнинг бунёд этилиши тарихи билан боғлиқ экан. Уларнинг фикрини рад этиб бўлмайди. Чунки Тошкентнинг қадимги номи Чоч, Шош, баъзан Чош деб аталиб келингани бизга ўтмиш манбаъларидан маълум. Лекин қаранг-ки, неча асрлар юзини кўрган бу тепаликни маданий ёдгорлик сифатида эъзозлаш ҳамон эътибордан четда қолмоқда. Шу жиҳатдан олганда мустақиллик йилида туғилган қишлоқ Кенгашини бундай ном билан аталиши Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги ва унга ёндош қатор ташкилотлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига маъқул бўлди.

Чоштепа кишилари аҳлиноқ яшашади. Бошқа жойлардаги каби улар ҳам дала, боғ ишларини ўрнига қўйоладиган деҳқонлардир. Меҳнатсеварлик, ишчанлик, катта-ю кичикка ҳурматни бу кишилар турли вақтларда жамоа хўжаликларини бошқарган фидойи одамлар — марҳум Аҳмаджон Бўриев, Турғун Мирзаев, Суннат ота, Сойиш ота, Нуъмон бувалардан ўрганишган. Ана шу ҳислатлар авлоддан-авлодга кўчиб келмоқда.

Ана шундай фахрийлар тажриба мактабида чиниққан Дилбар Йўлдошева Чоштепа қишлоқ кенгашига раис қилиб сайланди. Бу ердаги аҳоли уни анча йиллардан бери билади. Колхозда, Тошкент районининг миқёсида турли лавозимларда ишлаб ҳурмат орттирган аёл. Гулистон қишлоқ кенгаши раиси сифатида ишлаган йилларида Д. Йўлдошева малакали, қатъиятли раҳбар сифатида танилди.

Раиса билан мулоқот пайтида Чоштепада қисқа вақт ичида бирмунча ишлар қилинганлигини билиб олдик. Қишлоқда янги мактаб қурилмоқда, боғча қад кўтармоқда. Масжид фойдаланишга топширилиш арафасида. Дилбар Йўлдошева ҳар икки гапнинг бирида Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқарувини мамнунлик билан тилга олади. Бошқарув ана шу бунёдкорликларнинг ҳаммасига мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Усталар, ишловчилар қурилиш материаллари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Энди оёққа тураётган қишлоқ Кенгашига Тошкент район ҳокимлигининг эътиборини айтмайсизми. Яқинда район ҳокими Рустам Акбаров ҳокимликдаги бўлим раҳбарларини олиб Чоштепага келди. Қишлоқ кенгашининг очилишига бағишланган тадбирдан аввал дала меҳнаткашлари раҳбарларга дилларидаги истакларини, ниятларини, режаларини баён қилдилар. Газ, сув, савдо хизмати кўрсатиш, йўл қурилиши билан боғлиқ муаммолар ҳақида гап борди. Ҳоким уларни тинглагач, йиғилишнинг ўзида қишлоқ Кенгаши бюджетига 300 минг сўм ажратилганлигини маълум қилди. Бундан буён ҳокимлик маҳкамаси бу ҳудудда истиқомат қилаётганларнинг таклиф ва истакларини рўёбга чиқаришни ичил назорат қилиб борадиган бўлди.

Қаторда норин бўлса, юкинг ерда қолмайди деганлари ҳақ экан. Район ҳокими, Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг сидқидилдан кўрсатаётган кўмаги туфайли янги қишлоқ Кенгашининг фаоллиги ошиб бориши тайин.

ЭЪЗОЗ

Фазлитдин домла Чоштепанинг сабзавот участкасида истиқомат қилади. Шу ерда туғилиб ўсган. Кўплаб деҳқон болалари каби дала юмушларида чиниққан. Бир вақтлари мусаффо суви шалдираб оққан ариқларда ўсган нонларни оқизоқ қилиб болаликнинг гаштини сурган. Тенгдошлари билан кўй, мол боқиб юриб, қўлидан найини тушмаган. У мактабда ўқиб юрганида икки фанга — математика ва музикага баравар меҳр қўйди. Ўқишни битириб Тошкент Давлат педагогика институтининг математика факультетига ҳужжатларини топширди. Талабалик йилларида қунт билан илм олди ва бадиий ҳаваскорлик тўгарагида фаол қатнашди. Ўтмиш қўшиқларини ўрнига қўйиб ижро этадиган Фазлитдиннинг турли кўрикларда қатнашувига институт раҳбарлари имконият яратиб бердилар. У бир қатор фестивалларнинг совриндори бўлди. Институтни битиргач, ўзи ўқиган 25-ўрта мактабга йўлланма берилди. Шу жойнинг ўзида 41 йил математикадан дарс берди, мусиқа тўгарагини бошқарди. Ўқитувчи, услубий бирлашма раҳбари, директор ўринбосари сифатида обрў-эътибор топди. Ҳар иккала соҳадан ҳам ажойиб шогирдлар етиштирди. Умр йўлдоши Зироат опа билан беш фарзандни вояга етказди. Уларни илмли қилди, меҳнатга ўргатди. Тошкент давлат аграр дорилфунунини битирган Ҳуснитдин ҳозир колхозда бригада бошлиғи, қизлари Дилфуза, Туйғунойлар шифокор. Эргашой— тикувчи, Садриддин — талаба— ишчи. Ота оиласидан беҳад мамнун. Фарзандлари ўтган йили пенсияга чиққан Фазлитдин ака учун хонадонда тўй қилиб беришди. Шунда домланинг риёзиётчи шогирдлари ҳам, санъаткор иодошлари ҳам самимий қутладилар.

Домла ҳамон эл хизматида, эъзозда. Санъати билан тўйхоналарга қувонч бағишлаб келмоқда. Одамлар ҳожатини чиқараётгани учун ўзи ҳам хурсанд. Хизматидан олам-олам баҳра олади.

УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ ОНА

Ҳозир Чоштепадаги кўчалардан бирига номи берилган Ихлос Юсупов ҳақида илгари ёзганман. Командирлари Афғонистондан уйига юборган ёндафтардаги шеърларидан айримлари ҳам эълон қилинганди. Жангчи йигитнинг онасига, дўстларига бағишлаган дил сўзлари менда катта таассурот қолдирган. Юрагимда меҳр жўштирган эди. У хатларидан бирида Афғонистондан омон-эсон қайтса, ночоргина уйини ўзи таъмирлаши, ногирон отаси ёнига кириб барча ишларни, юмушларни бажаришини таъкидлаган эди. Сингилларига «Ота-онамизни авайланг» деб ёзган эди, у. Машъум уруш туфайли Ихлос орзусига етолмай қолди. Уни сўнгги йўлга бутун қишлоқ кузатди. Районнинг катта-кичиклари ҳамма-ҳамма бу маросимда бўлди. Мана, орадан бир неча йиллар ўтди. Чоштепага борганимда қалби орзуларга тўла барваста ўғлини ерга қўйган Миновар опа, умри далада ўтаётган Ғоип аканинг хонадонида бўлдим. Йўқлаб кирганим учн уларнинг боши осмонга етди. Хонадонда анча ўзгаришлар бўлибди. Район раҳбарларининг сўзи билан унга қўшимча қилиб айвон қуриб беришибди. Ҳар байрамда район, қишлоқ ташкилотлари, жамоа бошқаруви вакиллари Ихлослар хонадонидан ҳам хабардор бўлиб туришар экан. Бу ғамхўрликлардан опа миннатдор. Лекин унинг илтимослари ҳам йўқ эмас. Ғоип ака ҳовлисига мутлақо сув чиқмас экан. Томорқада 5—6 тагина ёввойи супурги ўсиб ётибди.

— Иложи бўлса, водопровод ўтказиб беришса,— дейди Миновар опа.— Ариқ сувидан фойдаланишимиз учун насос ўрнатиб беришмоқчи эди, бу амалга ошмай қолди.

Кўз ўнгимда очиқ чеҳрали, кенг елкали паҳлавон ўғил — Ихлос сиймоси гавдаланди. Ҳаёлимдан «Агар у бўлганда, хонадон албатта, бу аҳволга тушмас эди» деган фикр ўтди. Аслида ҳам шундай бўларди. Ихлос ниҳоятда тиришқоқ, меҳнатсевар, спортга иштиёқ қўйган, мақсади сари интилувчан йигит эди. Шуни тақдир оиладан ана шундай забардаст йигитни юлиб кетди. Яна, бошқа хаёлларга бериламан. Тошкент районининг Ҳокимлиги, янги ташкил қилинган Чоштепа қишлоқ Кенгаши, бундай оилаларга доимо ёрдам қўлини чўзиб келаётган Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг илтимосини оқибатсиз қолдирмайдилар. Ахир, Тошкент районининг ҳокимлиги катта-катта ҳайрли ишларни амалга оширмоқда. У ҳақда газетамизда ҳам, радио, телевидениеда ҳам кўп марта ҳабар қилинган. Бундай улуғ савобли ишлар олдида бу хонадон илтимосларини рўёбга чиқариш Ҳокимлик учун муаммо бўлмаса керак. Миновар опа орзуси амалга ошишига ишонаман.

Сандвали ҲАСАНОВ.

ҲАМОН ЕТАРЛИ ЭМАС

(ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚУМИТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШДАН).

Вилоятимиз ҳудудида халқ хўжалигининг ўнлаб тармоқларига қарашли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жойлашган. Улар маълум даражада табиатни ифлослантирмоқда, атроф-муҳитни булғатяпти. Республика ҳудудининг уч ярим фоизини эгаллаб турган пойтахт вилоятида аҳолининг деярли йигирма беш фоизи, қирқ фоиз атрофидаги саноати ҳам жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда экология муаммоси жуда кескин бўлиб турипти. Шу нуқтаи назардан қараганда Ангрен-Олмалиқ саноат минтақасидаги аҳвол янада аянчли, айтиш мумкинки, хавфли даражададир.

Чунки бу воҳада ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларидан ёқилғи ва энергетика, рангли металлургия ва бинокорлик материаллари саноати равнақ топган. Бир вақтлар уларни барпо этишда экология масаласига умуман эътибор берилмаганлиги бугунга келиб катта ташвишга айланди. Эндиликда уни эски ҳолида қолдириш мумкин эмас, акс ҳолда оқибатлари янада ёмонлашиши турган гап. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда минтақадаги аҳволни яхшилашга жиддий эътибор берилаяпти, бу ерда табиатга зарар келтириш миқёсларини камайтиришга қаратилган ҳаракатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Атроф-муҳитни ифлослантираётган манбалар камаймоқда, тозалаш иншоотлари, газ-тутунни, чангни ва бошқа шу каби зарарли моддаларни тутиб қолувчи мосламалар ишга тушириляпти.

Биргина Олмалиқ кон-металлургия комбинати конларидаги ва корхоналарида шу йилнинг биринчи ярмида табиат муҳофазаси бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳам шундан далолат беради. Бу йил комбинатда атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга қаратилган ўн учта йирик ҳажмли ишларни бажариш назарда тутилган эди. Аслида бу юмушда жадвалдагидан илдам бориляпти.

Масалан, шу йилнинг ўтган олти ойида табиат муҳофазасини яхшилаш мақсадида аниқ тадбирлар амалга оширилди. Ана шу ишлар учун йигирма саккиз миллион сўм сарфланди. Бу билан ярим йиллик режа 222 фоиз қилиб уддаланди. Энг муҳими бу тадбирлар туфайли атроф-муҳитни заҳарли чиқиндилар билан булғатиш сезиларли даражада қисқарди. Уларнинг ҳавога тарқатилиши ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ўн минг уч юз эллик олти тонна камайди. Олтингугурт ангидриди ҳамда чангдан ташқари барча зарарли аралашмаларни тарқатиш норма даражасига келтирилди.

Шу йилнинг ўтган дастлабки олти ойида чанг-газни тозаловчи ўттиз олтита асбоб-ускуна, шу жумладан олтита электрик фильтрлар такомиллаштирилди. Учинчи олтингугурт цехи қурилиши тугалланди. Бу янги ишлаб чиқариш фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилиши билан бирга экологик анча тоза ҳам ҳисобланади. Бу цехни фойдаланишга топшириш ва тўла қувват билан ишлашига эришиш давомида олтингугурт ангидридининг ҳавога чиқарилиши камайиб бораверади. Чунки унинг ёрдамида ҳозирги вақтда исроф бўлаётган бундай заҳарли моддани ушлаб қолиб, ундан олтингугурт кислотасини тайёрлаш ўзлаштирилади. Ҳозирги вақтда эса мис ишлаб чиқаришида бу заҳарли, аммо фойдали кимёвий бирикма исроф бўлаяпти. Цех ишга тушиши билан бунга чек қўйилади.

Комбинат корхоналарида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилаётган сувдан қайта фойдаланишни кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда эса табиатнинг бу бебаҳо неъмати бир марта ишлатилгандан кейин оқизиб юборилмоқда. Бу оби-ҳаётнинг ортиқча сарфланишига, кўплаб маблағ ва меҳнатнинг самарасиз кетишига сабаб бўлаяпти. Ундан кўрилган зарар миллионларча сўмни ташкил этяпти. Унинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган тадбирларнинг бири шу йилнинг ўзида 6,5 миллион куб метр сувдан қайта фойдаланишни йўлга қўйиш имконини беради.

Атроф-муҳитни ўз чиқиндилари билан заҳарлаётган йирик манбалардан яна бири Ангрен давлат район электр станциясидир. Бу ерда 11-электр фильтрининг электродларини алмаштириш билан ҳавога чиқарилаётган моддалар миқдори 830 тоннага камайди. Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам табиат муҳофазаси бўйича белгиланган бу йилги режа муваффақиятли уддаланмоқда. Бу йил ҳаммаси бўлиб ўнта йирик тадбирни амалга ошириш мўлжалланган эди. Ҳозиргача уларнинг тўққизтаси рўёбга чиқарилди.

Саноат минтақасидаги бошқа қатор корхоналар-ташкилотларда ҳам табиат муҳофазасини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин буларнинг ҳаммаси минтақада экологик аҳволни кескин яхшилаш учун етарли эмас. Узоқ йиллар давомида таркиб топган ночор экологияни бир йилдаёқ мусаффо этиш мумкин эмас, албатта.

Минтақада табиатни ифлослантириш ҳамон кенг кўламда давом этаётганлиги умуман пойтахт вилояти экологиясига ҳам кўп даражада салбий таъсир қиляпти. Вилоятимизда доимий манбалардан зарарли моддаларни ҳавога чиқариш камайиш ўрнига ортиб бормоқдаки, бу катта ташвиш туғдирмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида бундай чиқиндилар билан ҳавони булғатиш ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда уч минг тонна ошиб кетди.

Бунинг асосий сабабларидан бири Янги Ангрен давлат район электр станциясидир. У зарарли моддаларни атмосферага чиқаришни ўтган йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 18,7 минг тоннага кўпайтириб юборди. Бу ерда сув, ер ресурсларини муҳофаза қилиш ҳам ниҳоятда қониқарсиздир. Жумладан, сув сарфини камайтириш, уни тежаб-тергаб ишлатиш юзасидан белгиланган тадбирлар тўла амалга оширилмаяпти. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ишлари режасининг бажарилиши 97,2 фоизда қолиб кетди.

Шунингдек, Олмалиқ конметаллургия комбинати ҳам зарарли моддаларни ҳавога чиқаришни камайтириш режасини бажармаяпти. Унинг ҳажми белгиланганидан беш минг тонна ошиқ бўлди. Бунинг устига сувдан фойдаланишда ҳам силжиш ўрнига орқага кетилмоқда. Тўғри, янги ишлаб чиқаришлар ишга тушиши натижасида сув сарфи ҳам кўпаяди.

Комбинатнинг бўлинмалари йил сайин кўпайиб бормоқда, улар эгаллаётган майдонлар ҳам кенгаймоқда. Шу кунга келиб у 4408,6 гектар майдонни эгаллаб турипти. Унинг анчагина қисмига ишлаб чиқариш чиқиндилари, тоғ жинслари тўкилган. Уларни қайта ишлаш ёки камайтириш йўлида самарали изланишлар олиб борилмаяпти. Бу ерларни ҳам қайтадан экин майдонларига, боғларга айлантиришга киришишни тезлаштириш вақти келди.

Олмалиқ кимё заводида ҳам зарарли моддаларни ҳавога чиқариш камайиш ўрнига ортиб бормоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилмаяпти ёки чалалигича қолиб кетмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида бундай ишлар режаси бор-йўғи 13,7 фоиз қилиб бажарилди. Тўпланиб қолган корхона чиқиндиси фосфогипс катта тоғни эслатади, ҳажми ҳам 50 миллион тоннага яқинлашиб қолди, эгаллаб турган майдони эса 220 гектардир. Уни қайта ишлашнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш завод раҳбарлигининг эътиборидан четда қолаяпти.

Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам табиат муҳофазаси бўйича кўрилган ва кўрилаётган чораларга қарамай зарарли моддаларни атмосферага чиқаришнинг кўпайишига йўл қўйилмоқда. Бу йилнинг биринчи ярмида уни камайтириш режаси уддаланмади. Айрим тозалаш иншоотларини фойдаланишга топшириш барбод этилди.

Янги Ангрен давлат район электр станциясида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳозирги кун талабидан жуда орқада. Бу ерда ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар ҳажми ортиб бораяпти. Электр фильтрлар бир маромда ишламаяпти. Станцияда чиқиндиларни атмосферага чиқарилиши миқдорининг рухсат этилган нормативлари ҳам эскириб қолган. У 1988 йилда жорий этилган бўлиб, бугуннинг талабларига жавоб бермайди. Ачинарлиси шундаки, корхонада чиқиндилар чиқишини камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмаяпти.

Бундай камчиликларни бошқа ўнлаб корхоналар—ташкилотлар мисолида ҳам келтириш мумкин. Экологиянинг шундай ночор аҳволда бўлишида жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ҳам айби бор. Чунки улар кўп ҳолларда қатъийлик кўрсатмаяптилар, атроф-муҳитни мусаффо бўлишига қаратилиб белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини етарли назорат қилмаяптилар, табиатга зарар келтираётганларга нисбатан муросасозлик қилишяпти. Кўп жиҳатдан шу туфайли ҳам умуман вилоятимизда, шу жумладан Ангрен—Оҳангарон — Олмалиқ минтақасида табиатни чиқиндилар билан ифлослантириш кенг кўламда давом этмоқда.

Мажлисда вилоятимизда, шу жумладан бу регионда табиатни муҳофаза қилиш ишлари умуман етарли эмас, деб топилди. Уни яхшилашга ҳисса қўшиш барча жамоалар, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолиши керак.

● *Табиат ва инсон*

● БЕКОБОД районидаги «Шоликор» давлат хўжалигида меҳнат қилаётган Эшмуҳаммад Файзиев бу йил 15 гектар жойда буғдой етиштирди. Бугунга келиб унинг қалби қувончга, юзи табассумга тўлди. Бу бежиз эмас. Чунки, у етиштирилган 52 тонна буғдойдан 5 тоннасини ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Б. САФАРОВ суратн.

● *Халқ ижоди қайнар булоқ*

«ЙИҒЛАМА ҚИЗ, ЙИҒЛАМА, ТЎЙ СЕНИКИ ЁР—ЁР...»

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ҲУРМАТЛИ муҳаррият ходимлари!

«Тошкент ҳақиқати»ни жуда севиб, қизиқиб ўқиб бораман. Ушбу рўзнома ўзининг ўқимишлилиги, серқирралиги, бадиий ранг-баранглиги ва мазмунан бойлиги билан мени ўзига ром этган. Чунки, унинг саҳифаларида ёритилаётган кўплаб мақолалар кишини беихтиёр ўйлантиради, баҳсга чорлайди ёҳуд, келажакда изланиши керак бўлган бирор бир нарсага қизиқиш уйготади.

Мен ўзим ўзбек халқ оғзаки ижодига жуда-жуда қизиқаман. Шунингдек, халқимизнинг тўй-маъракаларида айтиладиган миллий, фольклор қўшиқларини, жумладан, «Ёр-ёр», ўлан, келин салом, алла, рамазон, болаларни эркаловчи қўшиқларни тўй, давраларда қизиқиб тинглайман, ёзиб олиб тўплаб бораман.

Рўзномада Дилмурод Саидовнинг «Юлдуз» саҳифаларида ўзбек қўшиқлари (1991 йил, 14 август), Маматқул Жўраевнинг «Олтин ошиқ» (1992 йил, 14 январь) ва Ҳалима Усмонованинг «Олтин ошиқ» (1992 йил, 11 март) каби ўзбекча урф-одатлар, ёр-ёр ва келин саломлар ёритилган мақолаларни ўқиб, ҳурсанд бўлдим.

Ўзим асли сурхондарёликман. Бизнинг воҳаларда ҳам тўйлар ўзгача бир тусда, ниҳоятда файзли ва мазмунли ўтказилади. Мен ҳам ўзимизнинг Сурхон воҳаларида (жумладан, Термиз, Узун, Денов, Сариосиё ноҳияларида) айтилажак баъзи қадимий тўй қўшиқларидан «Ёр-ёр» ҳақида ёзмоқчиман. Наврўз олди тўйлардан бирида чин кўнгилдан яйраб ижро этган 85 ёшли пурфайз қария Овотой буви Сагитовадан ёзиб олганман. Таъбир жоиз бўлса ҳам айтиб ўтмоқчиман-ки, мана шу аёл яқиндагина дорулбақога рихлат қилдилар (Худо раҳмат қилсин!). Аммо у кишининг биз фарзандларига, келажак авлодига қолдирган меросларі бебаҳодир... Дарҳақиқат, халқ ижоди — қайнар булоқ. Халқимизнинг санъати ҳеч қачон ўлмайди. Балки, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, мерос каби қолаверади...

Қуйидаги халқ қўшиқларидан халқ ижодий дастлари ҳам келгусида фойдаланса, ажаб эмас.

Латофат БЕКМАТ қизи,
Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтининг талабаси.

«ЁР-ЁР»

Аввал бошдан бошлайлик, ё бисмилло ЁР-ЁР...
Ўртамизда келяпти, калон мулло ёр-ёр...
Ёр-ёр айтсанг бери кел, айтишайлик ёр-ёр,
Арғамчини тенг солиб, тортишайлик ёр-ёр.

Ҳай-хай ўлан жон ўлан, ўлан кундир ёр-ёр,
Дўстлар келиб душман кетар кундир бугун ёр-ёр.
Тоғда тойчоқ кишнайди, от бўлдим деб, ёр-ёр,
Уйда келин йиғлайди ёт бўлдим деб, ёр-ёр.

Йиғлама қиз, йиғлама-ей тўй сеники ёр-ёр
Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр...
Икки сандиқ рўбарў ранг беради, ёр-ёр,
Икки қуда бир бўлиб тўй беради, ёр-ёр.

Шилдир-шилдир қамишга сирғам тушди, ёр-ёр,
Синалмаган йигитга синглим тушди, ёр-ёр.

Дарёга тош отманглар ботар-кетар, ёр-ёр,
Узоққа қиз берманглар олар кетар, ёр-ёр.
Узоққа тушган қизнинг ранги сариқ, ёр-ёр,
Кўзидан оққан ёши мисли ариқ, ёр-ёр.

Узун-узун арғамчи ҳалинчакка, ёр-ёр,
Дока кўйлак ярашади келинчакка, ёр-ёр.
Дока кўйлак енгига тут қоқайлик, ёр-ёр,
Куёв поччам бағрига ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Куёв поччам «бой» дейдилар, бойи қани, ёр-ёр,
Самоварда қайнаб турган чойи қани, ёр-ёр?
Суви бўлса ичайлик чой ўрнига, ёр-ёр,
Тойи бўлса минайлик, от ўрнига ёр-ёр.

Дарё тошқин, сувлар ошқин ўтолмайман, ёр-ёр,
Отим ориқ манзилимга етолмайман, ёр-ёр,
Отгинамни ориқ қилган шу майда тош, ёр-ёр,
Рангинамни сариқ қилган шу қалам қош, ёр-ёр.

Осмондаги бир юлдуз ой боласи, ёр-ёр,
Келин ойим сўрасангиз бой боласи, ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни саккиз денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори келди денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори биз бўламиз, ёр-ёр,
Саккиз боғда очилган гул-лоламиз, ёр-ёр.

Дарёларни ёқалаб сой келади, ёр-ёр,
Паранжига ўралиб ёр келади, ёр-ёр.
Паранжига ўралса ким кўради, ёр-ёр,
Унинг ойдек жамолига ким тўяди, ёр-ёр?

Бу уйчанинг орқасида тойнинг изи, ёр-ёр,
Қайрилиб кашта тикар бойнинг қизи, ёр-ёр.
Каштали рўмолингиз белимизда, ёр-ёр,
Энди аста қайтайлик йўлимизга, ёр-ёр...

ҚИЗНИНГ ОНАСИ АЙТГАН «ЁР-ЁР»

Ёмон кўздан сақласин, болам сани, ёр-ёр,
Ғамингга ҳеч қўймасин, қизим мани, ёр-ёр.
Эсканда боди-сабо гул очилсин, ёр-ёр,
Сўйлаганда оғзингдан дур сочилсин, ёр-ёр.

Ўн бармоғи ўн ҳунар қалам қошим, ёр-ёр,
Сенсиз мазали бўлмас еган ошим, ёр-ёр.
Суҳбатдошим жон қизим, кўнгил ҳушим ёр-ёр.
Қизларимнинг ичида кичик қушим, ёр-ёр.

Сўзи ширин, тишлари дурдонадир, ёр-ёр,
Онасининг ёнида парвонадир, ёр-ёр.
Оғаларинг бузоқни боғламайди, ёр-ёр,
Синглим йироқ кетди деб, йиғламайди, ёр-ёр.

Шу қишлоқда «Ман!» деганнинг бир қизисан, ёр-ёр,
Онанг бахтингдан кулсин, бахтли бўлгин, ёр-ёр.
Севган ёринг булбул-у, туштан ерин боғ бўлсин,
Қўша қаринг илоҳим, Тангрим ўзи қўлласин!

● *Меросимизни ўрганамиз*

ХИСЛАТ «БАРЗЎНОМА»СИ

Ўзбек халқи бой тарихий насрий асарларга эга. «Абомуслимнома», «Ҳотамнома», «Темурнома», «Сомнома», «Жаҳонгирнома», «Доробнома», «Сандбаттоли Ғозий», «Барзўнома» сингари саргузашт қисса ва романлар шулар жумласидандир.

Шарқ ривоявий мавзулари орасида «Шоҳнома»нинг асосий қаҳрамонларидан бири Рустами Достоннинг фарзанди Суҳробнинг ўғли Барзў ҳақидаги китоблар ҳам анча машҳур. Форсий тилда XIII — XVII асрларда иккита шеърий «Барзўнома» яратилган. Ўзбек шоир ва таржимонлари Хомуший ва Шоҳ Ҳижрон (XVIII аср) мана шу нусхалардан ва «Шоҳнома»дан ижодий руҳланиб, ўзига хос «Барзўнома»лар яратишган.

Унинг учинчи варианти 1914 йили Тошкентда «Қиссаи Барзўи Шер — фарзанди Рустам» номи билан босилган. Асарнинг биринчи бетида: «таржима қилдируб, эҳтиром кўргузувчи Сайид Ҳайбатуллоҳўжа ибни Сандорифхўжа Эшон ва Исоҳўжа Назир қори ўғуллари», деб қайд этилган.

Ушбу асар ҳажми ниҳоятда катта. Унинг мазмуни, композицион қурилиши, образлар тизими жуда мураккаб. Унда асосий воқеадан ташқари воқеа ичида воқеа, ҳикоя ичида ҳикоялар кўп. Шунга қарамай, биз бу ўринда асарнинг бош сюжет чизиғи, асосий ғоявий йўналиши ва образ яратиш маҳоратига муҳтасар тарзда тўхтаб ўтамиз.

Романнинг дастлабки саҳифаларида воқеалар бироз пароканда ҳолда баён этилади. Унда Барзў, Зол, Рустам, Афросиёб Кўчак, Қарслон дев каби образлар иштирок этади, гоҳ Барзўнинг кафирларга қарши яккама-якка олишуви, танг аҳволда қолгач, биёбон томондан Рустам пайдо бўлиб, ёрдам бериши, Қарслон девнинг Эронийлар бошига кўп ташвишлар солиши тасвирланган. Ана шундан сўнг **«Эмди Барзўи Шердин эшитмоқ керак»**, деган бошлама билан бевосита Барзў саргузашти тасвирига ўтилади. Яккама-якка олишувлар тез-тез оломон урушлар билан алмашиниб туради. Систоний, Оқили Аъзам, Барзўнинг ўғли Озарбарзин, Малик Хуршид, Гулистон ҳокими Рустами Шер, Рубини Ҳаромзода воқеалар майдонига чиқади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос салобат ва келбатга эга. Худди шу ерда яраланган Озарбарзинни оти жанг майдонидан олиб чиқиб, бир чашма лабига келиши, овга чиққан Малик Хуршиднинг уни даволаши билан боғлиқ тафсилотлар кенг тасвирланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, воқеага аста-секин янги-янги эпизодлар, улар билан боғлиқ ҳолда фавқулодда куч-қудратга эга бўлган баҳодирлар жалб этилади. Билсими Филбон, Гершасббону, Талҳак образлари ана шундай бетакрор қаҳрамонлардир. Қизиғи шундаки, асарда Талҳак саргузашти Озарбарзиннинг бошидан кечирган воқеаларга ўхшайди. Лекин автор бу ерга Журжон шоҳнинг қизи Маликаи Дилором образини киритиб, воқеани «Бижон ва Манижа» достонининг сюжетига яқинроқ бир усулда тасвирлайди. Чақимчилик, фитна, қора ниятли ғаламислар устидан ақл-фаросат, тадбиркорлик, мардлик ва жасорат ғалаба қилади. Шоҳ Маликаи Дилоромни Талҳакга никоҳлаб беради.

Бу ва бошқа воқеалар Барзў саргузаштини, жангу жадаллар, зафару нусратини тўлдиради, ёрқинроқ тасвирланишига ёрдам беради. Талҳак заҳмдор бўлиб, оти майдондан олиб чиқиб кетгач, Рубин яна Барзў лашкарига ҳужум қилади, Саъд ибни Талҳа ва Суҳроб ибни Талҳаларни заҳмдор қилади, Барзў билан тенг келади. Қаҳрамони девкуш зарбидангина Рубин бошлиқ душманлар чекинадилар. Шу ерда ярадор Саъд ибни Талҳанинг саргузашти берилади. Бошқа эпизодларга нисбатан, бу қистирма ҳикоя анча нурсиз, схематик тарзда берилган. Ундаги Сардор, Сулаймон, унинг қизи образлари, уларнинг сафар йўлидаги девлар билан жанги шунчаки санаб ўтилади.

Ушбу воқеа тасвиридан сўнг, «Мавлоно Фирдавсий Тусий раҳматаллоҳу алайҳа андоғ ривоят қилурларким, ул кунеким икки дарёи лашкар ажрашиб оромгоҳларида қарор олдилар. Вақтеким ҳар тарафга тайёрларни буюрди, ҳеч ердин Талҳани топмадилар. Барзўи Шер дарғазаб бўлиб, манинг отимға табли жанг чолунглар, деб буюрди» сингари жумлалар билан яна бевосита Барзў фаолияти тасвирига ўтилади. Барзў жангданжангга ўсиб, камолотга етиб боради; бутун фаолиятини халқини, юртини ғанимлардан асрашга сафарбар этади. Оддий деҳқон йигити ақл-фаросатда, ҳарбий ҳунарда не-не баҳодирлару шоҳларни лол қолдиради; ер юзидан зулм-зўрлик, жаҳолат уруғини супуриб ташлашга интилади. У Носири Филдандон, ибни Ал-Ғайб, Билсим сингари баҳодирлар билан майдон талашади; Дороби Зарринкамар буларга кўмакка келади. Икки томон паҳлавонлари кўп талофатлар берадилар. Мана шу жанглар бевосита Барзў фалокати билан узвий боғлаб, тасвирлаб борилади. Улар қиссанинг асосий воқеасини тўлдириб, мукаммаллаштириб боришга хизмат қилади. Охири Барзў Ниқори Гардинишутурлаб Ғукнинг зарбидан дарёга қулайди. Шундан сўнг Барзўнинг узундан-узоқ саргузашти тасвири берилади. Барзўнинг Фаридушшоҳ қизи Зубайдага уйланиши, Рахшнинг йўқолиши, Мозандарон девларидан бўлмиш Билқиёснинг Рустам авлодидан ўч олишга интилиши, Жаҳонгирнинг туғилиши, Барзўнинг йўқлигидан фойдаланган туронийларнинг Синстонга ҳужуми «Шоҳнома»даги «Рустам ва Суҳроб» достонига тақлидан тасвирланади.

Характерлиси шундаки, ушбу роман воқеасига деярли «Шоҳнома»даги кўп достонларнинг сюжетларидан баъзи эпизодлар моҳирона тарзда сингдириб юборилади, илова қилинади. Бундай достонлар мукаддимасида «Фирдавсий Тусий ривоят қилурларким» деб бу воқеа «Шоҳнома»дан олингани алоҳида таъкидланган. Натижада Дороб, Ҳумой, Баҳман, Исфандиёр, Фаромарз, Завора, Гершасббону, Беҳрўз, Сосон, Бобак ибни Ардашер, Жаҳонгир бинни Рустам, Ўторуд бинни Жаҳонгир сингари образлар воқеаларда актив иштирок этадилар. Энди Барзў ва унинг тарафдорлари бир томондан, ташқи душманга қарши курашадилар, иккинчи томондан Исфандиёр учун қасос олиш мақсадида Зобулга ҳужум қилган Баҳмон ва Дорогларга қарши жанг қилишга мажбур бўладилар. Икки томонлама зиддият, ранг-баранг жангу талашлар, фантастик саргузаштлар тобора таранглашиб боради. Воқеа майдонига ўнлаб янги баҳодирлар, ниқобдорлар, гоҳ Ховар, гоҳ Чиндан келган мадад кучлари, айёр-жосуслар чиқади. Кайхусрави Валий келиб Суфор билан Барзўни яраштиради. Уларни бирлашиб, Афросиёбга қарши курашга, ундан Сиёвуш ўчини олишга даъват этади. Барзў барча воқеаларда етакчилик қилади.

Асарда Барзў ва унинг фарзандлари, Зол ва унинг авлоди, Афросиёб ва унинг авлодларидан ташқари юздан ортиқ баҳодирлар иштирок этади. Орада воқеаларга туронлик сипоҳсолор Пирони Виса авлодлари ҳамда Эрон сипоҳсолори Гударзи Кашвод, Туси Навзар шажаралари ҳам аралашади. Мана шу образлар ва ўнлаб ҳикоятлар юксак бир бадиий қудрат билан яратилган. Қаҳрамонларнинг ғайритабиий саргузаштлари, юзлаб шаҳар, қишлоқ, чашма, дарё, кўллар, боғроғлар, қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, руҳий ҳолатлари ғоятда юксак санъаткорлик билан чизилган, турли-туман бадиий-тасвирий воситалар ишлатилган. Биз худди шу хилдаги «Барзўнома»нинг форсий нусхасини қидирдик. Аммо дастхатлар хазиналарида ўнлаб достон ва ривоятлар мазмуни жамланган бундай китобни учратмадик. Ғарчи асарнинг бош , қисми мазмуни бироз пароканда бўлса ҳам, аммо воқеа давомида сюжет изчиллашиб, асар композицияси баркамоллашиб боради. Ҳар бир образ ўзи бир олам, бе-такрор сиймо. Биз баҳодирларнинг олишуви-ю, аламон жанглар тасвирини кузатар эканмиз, халқ китобларига хос барча фазилатлар асарда мужассамланганлигини кўрамиз. Асар ниҳоятда равон ёзилган, завқ билан ўқилади. Юқорида таъкидланганидек, муаллиф Барзўнинг Зол авлодидан эканлигини доим таъкидлаб бориш мақсадида асар воқеасига Золнинг Семурғ томонидан тарбияланиши, Рустамнинг туғилиши, Рахшнинг йўқолиши, Суҳробнинг саргузаштлари билан боғлиқ лавҳаларни сингдириб боришга интилган. Бундай пайтда баъзан «Фирдавсий ривоят қилибдурким» деган таъкид ҳам ишлатилган. Масалан, Зол маликаи Ҳуснорани Тошкент сафари олдидан Талҳа ибнқ Барзўнинг ўғли Саъданга никоҳлаб беради. Йўлда вақти ҳамли етгач, **«Туғолмади, тамоми энагалар ожиз қолдилар. Золнинг ўзи келиб кўрдики, Малика ерга ётибдир. Хуш бошидан учуб «не қилурман» деб йиғлар эрди. Дарҳол бир мулозимига буюрдики, Ҳакими Зиракки соҳиби оинан гетинамо эрди, бориб олиб келди. Ҳаким айди: Эй шаҳриёр, энди қизнинг муолижадан ўтубдир. Агар хоҳласанг, чап ёнидан чок қилиб, андин фарзандини чиқарса бўлур. Чароки, Малика Рудоба Рустамни туғарда Золи Зар Семурғ таълими бирла Чок айлаб, Рустамни суғуриб олиб эди».**

Умуман, бу асар анъанавий «Барзўнома»лардан тубдан фарқ қилади. Ўзига хос оригинал қиссадир. Айрим образлар, эпизодларнинг яқин келиши бош қаҳрамоннинг • Барзў деб аталишини асослаш билан боғлиқ. Асар мураккаб композицион қурилишга эга бўлган, бир неча сюжет чизиғидан ташкил топган. Барзўнинг Бойсун маликаси Шерўядан туғилган Суҳробнинг ўғли эканлиги ва Тошкент атрофида деҳқончилик билан шуғулланиши, Афросиёб томонидан атайлаб Эрон жангига юборилишнинг таъкидланмаганлиги ҳам шу билан изоҳланади. Бунда ҳам бошқа халқ китобларига хос услуб кўзга ташланади. Бадиий тасвирда традицион «ровий айтурким», «ривоят қилибдурларким», «ровиёни ахбор, ноқилони осор, муҳоддисони достони куҳан», «аммо мавлоно Фирдавсий ва мавлоно Низомий айтибдурларким» (302-бет) бошламалар, «эмди икки калима сўзни Барзўи Шердин эшитинг», «эмди булар келаберсунлар, икки калима сўзни Рубиндан эшитинг» каби боғловчи иборалар асар тили учун характерлидир. Биз китобда энг юксак даражадаги қиёфа тасвирларини кўрамиз, ғулўъ санъатининг ранг-баранг намуналарини учратамиз, анъанавий қуёш чиқиши ва кун ботиши тасвиринг мутлақо янги кўринишларига дуч келамиз. Айниқса, Барзў, Талҳа, Фўлодманд, Рубин, Гершаббону портретлари тасвири, уларнинг келбат ва салобати, ҳарбий ҳунарлари тавсифи диққатга сазовор. Аламон жанглар, лашкарнинг кўплиги, қаҳрамонларнинг кураш тушунчиси гурз уруши таърифи ҳам ҳийла жозибали. Қомати, «юз ўттиз газ» Қарслон девга қарши ҳужумга ўтган «дарёи лашкар фавж-фавж, фирқа-фирқа, хайл-хайл, амвож-амвож, аймоқ-аймоқ, саҳжоқ-саҳжоқ... сафларини ораста қилиб» деб таърифланади. «Систоний ўттуз жуфт тегирмон тошини бириктириб майдони ҳарбга кирди. Тарбияни чунон наҳозишга киргиздиларким, овози табл ранноқи осмони нилгунча етиб дарёдаги балиғлар ҳуркуб ва паррандалар ошёнларидан ҳар тарафга учуб кеттилар».

Асардаги ҳар бир образ ғоятда саминият билан, ҳар жиҳатдан мукаммал чизилган. Тирандоэлигу амудбозликда ҳам ҳеч ким Рубинга бас кела олмайди; у лангар ташлагаида мана-ман деган паҳлавонлар ҳам ўрнидан қимирлатолмайди. Буни билган Қаҳрамони Девқуш Рубинни эгнидан ўзиб олиб, бошига кўтариб аламон ичига чўкади. Бу ҳолни кўрган ҳарифлар ваҳимага тушади, Қаҳрамонинг бошига қилич ҳам, гурз ҳам уролмайдилар. Чунки унинг қўлида ўз сипоҳсолорлари. Охири Рубиннинг камари узилиб, лашкари қалбига қочади. Барзў томон шу куни зафар кучади. Аҳломи Чиний билан Саъдан ўртасидаги яккама-якка олишув тасвиридаги мана бу лавҳа мубоғаға санъатининг энг яхши намунаси бўла олади. «Ўттуз жуфт тегирмон тошини бошидин айлантуруб ҳавола қилди, Саъдон ибни Талҳа бошига сипори каркини тортди. Зарбаи аҳримандин шароғаи оташ қубба афлакка урлаб, то тизиғача ерга кириб кетди. Саъдон кўзига ёруғ дунё қоронғу бўлди, мадори алам бошига тўкулди» (29-бет). Дороби Зарринкамар билан Билсим олишувидаги мана бу манзара ҳам юқоридаги фикрни яна бир карра тасдиқлайди: «Бир-бирлари бирла уч кеча-кундуз талаш қилдилар. Учунчи куни Дороби Зарринкамар қуввати тамом бирла бошидин айлантуруб андоғ урдики, аз сар то по ерга нақш боғлади. Ғазабланиб икки бутидин тутуб андоғ йирттики, бўздек икки пора қилиб, нимталарини алвонжлар бериб, осмон майдонини тамошо қилдурғали отиб юбориб эрдики, Рубиннинг ҳуши қуши ошёнасидан учиб кетди» (34-бет).

Баъзан шундай жумлалар, бирикма ва иборалар ишлатиладики, уларда бутун бир манзара ,чуқур бир фикр ихчам, лўнда, айни пайтда образли, таъсирчан ифодаланган бўлади. Тўғри, бу хилдаги иборалар шу тарзда яратилган бошқа насрий асарлар тили учун ҳам хосдир. Лекин биз бу ерда уларнинг оригинал бир тарзда ишлатилганлигини кузатамиз. Бобак ибни Ардашернинг **«ҳайбатидин замину замон, макину макон курраи симобдек изтиробга келади»**, Гершасббону билан Ардашер номига табли жанг урганда **«абр сақолиқ ва бод фаррошлиқ расмини адо айлади»**, **«фикрнинг отини ҳайрат биёбонида юргизди»**, Барзў билан Сўффорни яраштирган ниқобдор уларга **«Мундин кейин бир-бирингизга кина ва адоват қилмагайсизлар, бухл ва ҳиёнат уруғини кўнгулларингизнинг зироатгоҳига тикламагайсизлар»**, деб тинчлик ва ҳамжиҳатлиққа даъват этади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур асар ўзбекча «Барзўнома»лар орасида ўзига хос янги бир саргузашт роман намунаси сифатида жиддий ўрганиш ва қайта нашр этишга арзийди. Бизнингча, уни Хислат бир неча форсий манбалар асосида қайта яратган. Чунки, форсий тилда бу хилдаги «Барзўнома»ни биз учратмадик.

Ҳ. ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори.

ТИЛИМИЗНИ ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ЎРГАНИШЯПТИ

ЖАҲОННИ титратган бобомиз соҳибқирон Амир Темур асос солган туркийлар мамлакатининг Алишер Навоий кўз-кўз қилган тили XX асрга келиб, ўз юртида бирмунча хўрланган бўлсада, бақувват илдизлари унинг буюклигини сақлаб қолди. Халқимизда «зоти кўрган» деган чиройли ибора бор. Ана шу зоти кўрган навқирон тилимизнинг Олмония, Япония, Швеция каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳам ихлосмандлари борлиги ўзбек тилининг халқаро майдонда кенг қўлланаётган тиллар қаторида ўзига хос ўрни бор эканлигидан далолат беради.

Америкодек буюк давлатнинг Индиана штатидаги дорилфунунида ўзбек тили ўқитилишини эшитганимда беҳад қувонган эдим. Кейинги йилларда ўша олий даргоҳнинг бир қанча аспирантлари тажриба орттириш учун жумҳуриятимизда бўлдилар. Улардан Вилям, Курд, Давид Тайсон, Жон Эриксон, Элзабет Константин хоним, Майк Турман, Рожерс Кангс Америко фуқаролари, Петр эса Швеция фуқароси. Миюки Хирояма хоним Япония фуқароси. Тадқиқотчиларнинг ҳаммаси бизнинг тилимизда бемалол сўзлаша оладилар.

1989 йили «Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонуни» қабул қилиниши арафасида телевидение орқали тил муаммоларига бағишланган кўрсатувларда Вилям иштирок этган ва тилимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини телетомошабинлар билан ўртоқлашганди. Вилям ўзбек тилини шу қадар яхши биладики, ҳатто кишиларнинг сўзлашувидан қайси шева вакили эканлигини бемалол фарқлайди. Бундан кўринадики, хорижлик дўстларимиз тилимизни шунчаки эмас, балки илмий жиҳатдан яхши ўзлаштириб олганлар. Уларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот мавзулари бевосита Ўзбекистон тарихи, халқимиз урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ. Майк Турман «Фарғона водийсидаги суғориш иншоотлари» мавзусида, Миюки Хирояма хоним эса «Ўзбек халқ оғзаки ижодида аёллар образи» мавзуда илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Қисқа фурсатларда жумҳуриятимизда уларнинг қадами етмаган район ва қишлоқлар қолмади десак муболаға бўлмайди. Тадқиқотчилар ўз илмий ишларини кутубхоналарда китоб варақлаш билан эмас, балки халқ орасида юриб битказмоқдалар. Қадим-қадимдан жаҳонга машҳур бўлган ўзбеклар ҳақидаги янги илмий асарлар яқин келажакда яна жаҳон халқлари тилларида яратилади деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Аспирантлар тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни ўрганиш билан чекланиб қолмаяптилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улар эски ўзбек ёзувини ҳам мукаммал билишлари нафақат илм аҳли, балки бутун жумҳуриятимиз аҳолисига маълум. Чунки 1990 йили Давид Тайсон Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Алифбо сабоқлари» кўрсатувининг меҳмони бўлди. Шунда у тилимизнинг бой ва қадимийлиги, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви тилимиз имкониятларига мос тушиши ҳақида Америкодаги кўплаб ўзбек тили ихлосмандларининг фикрларини баён қилганди. Шу йил 19 август куни Давид телевидение орқали амриқоликлар номидан ўзбек халқини мустақиллик куни билан табриклади.

Тошкентда АҚШ элчихонаси очилган куни телевиденнеда Элзабет Константин хонимни «Ахборот» кўрсатуви мухбири билан суҳбати олиб кўрсатилди. Улар радио орқали олиб борилган бир қанча суҳбатларда ҳам иштирок этганлари кўпчиликка маълум. Ўзаро суҳбатларда, баъзан расмий идораларда ҳамон ўрисча иш юритилаётганлигидан кўнгиллари тўлмаётгани ҳақида гапириб қоладилар. Начора, улар менг бора ҳақ...

Устодсиз шогирд бўлмайди, албатта. Тадқиқотчиларнинг тил ўргатаётган устодлари ҳақида сўрасангиз, кўпчилиги Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институтининг етакчи илмий ходими, Индиана дорилфунунида ўзбек тилидан сабоқ бераётган олим Хайрулла Исматуллаев ҳақида чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорчилик ҳисларини баён қиладилар.

Диёримиздан минглаб километр олисда мутлақо бошқа миллат вакиллари ўзларининг олтинга тенг умрларини ўзбек тилини ўрганишга сарфласалар-у, шу Ватанда туғилган, лекин она тилини билмайдиган ўртоқларни нима деб аташ мумкин? Шояд халқимиз ризқига шерик бўлаётган қардошлар ҳам амриқолик ўртоқлардан ибрат олсалар...

Дилшодбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти илмий ходими.

● ЎЛКАМИЗНИНГ ҳар ерида бўлгани каби Тошкентдаги 1-шаҳар касалхонаси жамоаси ҳам Республикамизнинг Мустақиллик байрамини зўр шодиёна билан нишонладилар. Байрам дастурхонига ишчи-хизматчилар билан биргаликда фахрийлар ҳам таклиф қилиндилар. Таниқли санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар тантанага янада кўтаринкилик кайфиятини бағишлади.

Суратларда: пойтахтимизнинг 1-шаҳар касалхонасида ўтган истиқлол байрамидан лавҳалар.

М. БОЛТАБОЕВ олган суратлар.

АМЕРИКАЧА ТЎЙ

Дунёнинг қайси ерида ва қайси миллат бўлишидан қатъий назар икки киши уйланишини содда ва тантана шаклида шодликлар билан нишонланганликлари маълум.

Қадим вақтлардан бошлаб бу қоида давом этиб келган. Тўйлар афсоналарга, ҳикоя ва романларга ҳам мавзу бўлган. Масалан, катта бувиларимиз эртак айтиб беришганда умуман шундай дейишар эди: «Подшо қизига қирқ кеча-ю, қирқ кундуз карнай-сурнайлар билан тўй қилган ва улар мурод-мақсадга етган»...

Америкаликлар ҳам тўй маросимларига ўта аҳамият беришади. Албатта, ҳар ким ўз моддий имкониятига кўра бир юз доллар ҳарж билан уйланиши мумкин бўлгани каби, бироқ 15—20 минг доллар сарф қилиб тўй қилиши ҳам мумкин.

Турмушга чиқаётган қиз ва уйланаётган ўғил айни вақтда икки томон оилалари тўй маросимига ўта аҳамият беришади. Камида олти ой ёки бир йил аввалдан тайёргарлик кўришади, маслаҳатлар қилишади, тўйга неча

РАДИОТЎЛҚИНЛАРИДАН ГАЗЕТА САҲИФАСИГА

киши айтилиши, ҳатто қайси залда ёки черковда ўтказилиши ҳам келишилади.

Жаҳон бўйлаб кўп мамлакатларда бўлгани каби келин оқ либосда, куёв эса ўзига мос кийинганликлари тўй маросимига ўзгача бир гўзаллик ва жозибалик бахш этади. Келиннинг дўсту-дугоналари ва куёвнинг энг яқин дўст-ёронлари тўй маросимига қатнашадилар. Америкада умуман тўйнинг ҳаражатини қизнинг отаси қилади. Турмуш қуришга қарор қилган қиз ва ўғил маҳаллий ҳукуматнинг махсус идора хонасида ва ё черковда уйланишлари мумкин. Ундан кейин уйда ва ё салонда зиёфат берилади, ўйин-кулгу билан маросим тугайди.

Инсон ҳаётида бир бор бўладиган саодатли кун бўлган тўй маросимига кийимлар, гуллар, таом, мусиқа ва фотосураткаш каби ҳар бир нарсага диққат билан аҳамият берилгани ҳолда, баъзан бир камчилик ҳам бўлади. Орадан йиллар ўтгандан кейин бу воқеалар гўзал эсдаликлар сифатида ёд этилади.

(САДО халқаро-экспресс ахборотидан).

• Ҳар тўғрида

ОДАМ бошида 125 мингта соч толаси бор. Ҳар куни 45 та, айрим кишиларда 60 тагача соч толаси тўкилади ва шунчаси ўсиб чиқади.

●

УМРИ мобайнида одам 40 тонна озиқ-овқат истеъмол қилади ва нафас олиш натижасида 380 минг куб метр ҳажмда ҳаво ютади.

●

ОҒИРЛИГИ 70 килограмм бўлган одамнинг 40 килограммдан ортиқ оғирлиги сувдан иборатдир. Шу сабабли одам очликка чидай олгани билан ташналикка бардош беролмайди.

●

ИНСОН мияси 10 миллиард нерв тўқимасидан ташкил топган бўлиб, 86 миллион информация бирлигини эслаб қолиш қобилиятига эга.

●

ЧУМОЛИ ўз оғирлигидан 1400 марта оғир юк кўтара олади.

●

ОДАМНИНГ бўйи кун давомида ўзгариб тураркан, киши кечга борганда эрталабкидан 1—2 сантиметр, агар кундузи кўп юрган бўлса, ҳатто 4—6 сантиметр «чўккаркан». Бунга сабаб умуртқа поғонаси ўртасидаги кемирчак қатламининг қисилиши экан.

●

ЧУМЧУҚ танасининг ҳарорати 44 даража бўлиб, унинг томири минутига 860 марта уради.

●

Бутун дунёга машҳур профессор Огюст Пикарнинг ўғли Жак Пикар 1960 йили Тинч океаннинг Мариан районида кишилик тарихида биринчи марта 11 минг метр чуқурликка тушди. Ўшанда океаннинг энг чуқур жойига батискаф текканда, Жак Пикар прожектор ёруғида узунлиги 30 сантиметрча келадиган бир балиқни, ундан кейин очиқ—яшил рангли йирик креветкани (денгиз қисқичбақасининг бир турини) кўрди.

●

Қуруқликда ҳали шундай жойлар борки, у ерларда ажойиб кашфиётлар қилиш мумкин. Масалан, XIX асрнинг бошларида Африканинг қалин тропик ўрмонларида фанга янги бўлган йирик туёқли ҳайвон — окапи топилган эди. Кейинчалик, 30-йилларда, Комбоджанинг (Ҳинди-Хитой) чакалакзорларида фанга маълум бўлмаган, илгари тасвирланган барча ҳўкизлардан кўра йирикроқ савеля ҳўкизи топилди. Бу туёқли ҳайвоннинг топилиш тарихини француз зоологи Бернар Эйвельманс яхши тасвирлаб берган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• Маданий ҳаёт

САҲНАДА НОГИРОНЛАР ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида Ўзбекистонда биринчи марта ногиронлар ва меҳнат фахрийларининг санъат анжумани бўлиб ўтди. У республикамизнинг мустақиллик кунига бағишланди. Бу санъат байрамида 400 нафардан зиёд ногиронлар ва меҳнат фахрийлари, шаҳар фаоллари ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

Анжуман қатнашчиларини шаҳар Ҳокими Ш. И. Каримов ва мутасадди идоларнинг вакиллари табриклашдилар. Шундан сўнг улар санъатнинг 7 та тури бўйича ўз қобилиятлари ва иқтидорларини синовдан ўтказдилар. Шаҳар маданият уйида халқ амалий санъати усталарининг ёғоч ўймакорлиги, рангтасвир, тикувчилик, каштачиликка оид ишлари намойиш этилди. Бундан ташқари халқ талантлари ўзбек миллий чолғу асбоблари ва баян-аккордеонда куйлар ижро этиш, қўшиқ куйлаш ва бадиий ўқиш бўйича ҳам мусобақалашдилар.

Тўпланганлар танлов қатнашчиларининг ҳар бир чиқишини зўр қувонч билан қарши олдилар. Айниқса, биринчи ўринга сазовор бўлган Н. Айвазов, В. Терешченко, М. Сафарова, М. Мостовоянинг ижрочилик маҳорати кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Ғолибларга махсус нишонлар, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мазкур анжуман ногиронлар ва меҳнат фахрийлари орасида ҳам истеъдодли кишилар кўп эканлигини, фақат уларнинг қобилиятларини юзага чиқаришлари учун меҳр-шафқат, эътибор ҳамда қулай шарт-шароит яратиш лозимлигини кўрсатди.

Энди танлов ғолиблари ногиронлар ва меҳнат фахрийларининг «Наврўз» байрамига бағишлаб ўтказиладиган жумҳурият санъат анжуманида иштирок этадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бу анжуманни қизиқарли ва юқори савияда ўтказишга шаҳар Ҳокимияти, консерва, вино ва пахта тозалаш заводлари, ёғ-мой комбинати, «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, китоб фабрикаси, «Труд» ва «Снабженец» ширкатлари ҳомийлик қилишиб, ногиронлар жамғармасига ҳайрия маблағлари ўтказдилар. Ногиронлар ва меҳнат фахрийларига кўрсатилган бу иззат-икром, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат туйғуси халқимизнинг бошқа миллий қадриятлари сафидан мустаҳкам ўрин олишига ишончимиз комил.

Ш. ОБИДОВА.

НАШРДАН ЧИҚДИ

«ЗИЙНАТ»

«Чўлпон» нашриётининг «Мурод» фирмасида чоп этилган «Зийнат» рисоласи аждодлар ўгити, панду насиҳатига чанқоқ халқимиз кутган китоб дейиш мумкин. Чунки бу китобчанинг ҳаётимиз давомида учрайдиган баъзи икир-чикирларни қамраб олганлиги, шубҳасиз, ҳаммада қизиқиш уйғотади. Масалан, лабингиз ёрилган. Унга даво истайсиз. Ёки сочингизга қазғоқ тушган. Чорасини излайсиз. Тополмайсиз. Лекин, Абу Али ибн Сино қаламига мансуб «Тиббий ўгитлар» асаридан ана шу саволларга жавоб топиш мумкин.

Бу рисолада қош тўкилиши, соч ёрилиши, тери касалликлари, темиратки, мўй чиқмаслиги сабаби, агар чиқса (аёлларда) туширишнинг йўллари ва ҳоказолар билан танишасиз. Мана, биз қуйида Абу Али ибн Синонинг оддий, лекин ғоят фойдали ўгитларидан намуналар келтирамиз.

«...оёқ ёрилган жойга думба ёғини оловга тутиб томизилса... жуда яхши бўлади» ёки «Ҳаддан ташқари семизликни оздириш тартиби шундай... овқатдан кейин ҳаммомга туширишдан».

Ана шундай енгил, осон йўллар билан даволаниш мумкин экан. Фақатгина буюк мутафаккир Абу Али ибн Синодек боболар ўгитига қулоқ тутсак бўлди.

ҲАНДАЛАР

ИККИ дугона учрашиб қолишди:

— Вой, дугонажон, жуда ҳам озғин эдинг, турмушга чиқиб анча тўлишибсан. Ишқилиб кўз тегмасин, бу дейман: куёв жуда яхши йигитга ўхшайди-а?

— Ҳа, нимасини айтасан. Жуда позиктаъблар. Қилган овқатимни «бемаза» деб ўзимга ичиради. Ҳар куни икки қосадан овқат егандан кейин мен семирмай, ким семирсин.

* * *

КЕЧҚУРУН уйига қайтаётган ёзувчининг йўлини бир безори тўсди. Газетага ўроғлик ғиштни кўрсатиб деди:

— Эллик сўм берсангиз, бир яхши одамнинг бошини асраб қолардингиз.

— Сиз кўринишингиздан яхши одамга ўхшамайсиз-ку?

— Гапингиз тўғри, лекин мен сизни назарда тутаяпман.

* * *

МАШИНАСИ аварияга учраб, оғир аҳволда жарроҳлик столида ётган бемор алаҳсираганча деди:

Жон дўхтир, ростини айтинг, машинам одам бўладими?

— Аввал сизни одам ҳолига келтирайлик-чи, машинангиз бир гап бўлар,— деди дўхтир пешонасидаги терни артаркан.

* * *

МАОШ олган кекса ишчи ўтирволиб шошилмай пул санаяпти. Ёнига келган шогирди унга ҳазиллашди:

— Бўлди-да устоз, пулни санайвериб, баракасини ҳам ўчириб юборасиз.

— Ҳалақит берма, пул санасам чарчоғим ёзилади,— деди уста ва пулни яна бошқатдан санай бошлади.

Муҳиддин ОТАХОНОВ.

● **АВСТРИЯНИНГ Трибен шаҳрида парашютчиларнинг XXI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 36 мамлакатнинг 250 спортчиси қатнашди. Бу чемпионатда илк бора мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпиради. Республикамиз спортчилари анча кучли жамоаларни ортда қолдириб кучли ўнликдан ўрин олдилар. Хотин-қизлар мусобақасида эса парашютчи қизларимиз 8-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.**

Суратда: мусобақа пайти.

Ш. АЛИМОВ сурати. (ЎзА).

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

МУҲТАРАМ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ВА РАДИОТИНГЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон ҳудудида намойиш этиладиган барча телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар ҳақида олдиндан батафсил маълумот бериб борувчи республикадаги яккаю-ягона нашр — **«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ»ГА**

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА
ОБУНА БАҲОСИ: бир ойга — 8 сўм 75 тийин.
бир йилга — 105 сўм.

Нашр кўрсаткичи — 75490.

Обуна «Союзпечать» ташкилотлари ҳамда алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Мабодо, жойларда обунани расмийлаштириш билан боғлиқ саволлар туғилса, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Матбуот тарқатиш агентлигига (телефони: 33-58-72) ҳамда Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Республика Матбуот тарқатиш марказига (телефони: 33-60-78) ёки ҳафтанома таҳририятига (телефони: 33-32-93) мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилоят прокуратурасининг маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти жамоалари Оққўрғон район прокурори Э. Ў. Аҳмедовга онаси
Раҳбар АҲМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—343. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.30. 31700 нусха босилади.